

Табакайи мунавварайи миллияси (яъни интеллигенцияси) бўлмаган бирор-бир миллат йўқдир.

Немис, фррандуз, англиз каби буюк миллатлардан ибрат олган поляк, чех каби мутамаддун кавмларни ҳам киёсга олмас эсак, Русиянинг шимолидаги бир ховуч финланда ва жанубидаги ярим хрвуч арманиларда ҳам «табакайи мунавварайи миллия» кўрмоқдамиз... Кўрмоқдамиз-да, сукланиб ва хасратда қолиб, ўз миллатимизнинг бундан махрум эканлигига қонли ёшлар тўқмоқдамиз.

Бир милйўн армани орасида бир неча юз зиёли миллатчилар борлиги ва мухаббати миллиялари, жиддият ва фаолият ва ихлослари ила Усмонли ва Русия каби икки буюк ҳукуматнинг тасарруфида бўлган бир неча вилоятларни бир-бирига қарама-қарши қилишга муваффақ бўлганлари ҳолда йигирма милйўн Русия мусулмонлари ёки ўн саккиз милйўнлик Русия турклари орасида етти-саккиз жиддий миллиятчи бўлмаганига таассуф олдир, оташларга қириб, ёнишимиз керак.

Бундан йигирма, ўттиз, қирк йил аввал миллатимизнинг бошида турган, русларнинг таъбиринча, «образованне мусульмане» (табакайи мунавварамиз) тилга олинар эди. Булар икки генерал, уч пўлкўвник, беш капитан, етти ясаул пўдпўручик, ўн икки губернски секретар, йигирма қолижаский регистратур ила буларга йўлдош бўлган қирк-эллик сохиби медал ва хилъат афандилардан бўлар эди.

Ушбу табака учун миллат надири ва миллат учун булар надири? Бу — ҳар бирингизга маълум.

Ичкари Русияда, Қримда ва Кавказда бу табакадан миллатга ёдгор қолган бир нарса йўқдир. На иш, на ёзув, на илм ва на яхши от.

Нима бўлганда ҳам, жаноби Ҳақ бу табаканинг таксиротини афу этиб, қайта пайдо бўлишларини ўзи насиб айласин. Фалон бекнинг мадрасаси, фалончи етиштирган одамлар, фалон князнинг асари адабияси ё таржимаи фаннияси ёки химмати илмияси ўларок «бир нарса» кўрилмади. Миллат фойдасига қилинган фалон «бир иш» эшитилмади.

Бу марҳумларнинг тўғридан-тўғри ўғил ва авлоди бўлмаса-да, ворислари, деб ном олган ёшларимиз ва ёш табакайи мунавварамиздан буюк ишлар, нафъли амаллар, миллатни тараккий ва юксалишига олиб боровчи тадбирлар қутилмоқда. Ажабо, булар мансуб бўлган миллатларига қандай хизмат қилишлари мумкин?

Бунга жавоб берадиган даражада бирор-бир асар ва адабиёт йўқдир. Матбуъ суратда маслаки миллия музоқара қилинмади. Бу ҳолда тахсили олия кўрган жавонларимиз ва бошқа бир суратда қасби маълумот этмиш одамларимиз бир мажлис, бир ижтимоъ қилиб, жиддий бир маслак ва тарзи ҳаракат таъйин этсалар яхши бўлмасмиди?

Ҳар вилоятда бир неча зиёли ёки маълумотли мусулмон бор. Аммо булар бир-бирини билишни истамай, пароканда умр ва фикр юритмоқдалар... Биз, зиёли мусулмонлар, жуда озмиз. Лекин жумламиз уч-беш кун бир маҳаллада ижтимоъ ва мажлис қилсак, «бир қанча» эканлигимизни кўриб, кўнглимизни очар, фикримизни этардик.

Миллатимизга букун нима керак? Миллатимизга эрта ва индин нима керак бўлади?

Бугун нима қилиши керак, нима қилмаслиги керак? Миллат нима истади ва нимани истамади каби бир қанча масалалар музоқара қилинарди ва шубҳасиз, фойдаси ҳам кўринар эди.

Оддий ва содда аҳоли, яъни тужжору уламо ва оддий қосиблар икки-уч маротаба

«умумий мажлис»лар ўтказиб, Макарияда, Петербургда «шўройи уммат»ларга юзлаб келдилар. Бир турли мушоваралар килиб, қарорлар қабул қилдилар... Биз, зиёлиларга буларнинг химмати намунаи им тисол бўладиган ҳоллардандир. Миллат уйғонади, иш бошлайди. Бизлар... қўрқаман, ҳозир нима лозим. Ё мавзудан четда ёки янглиш йўлларда юрмоқдамиз.

«Таржимон» г., 1907 й., 12-сон